

Эрмаматов Шоназар Жумакулович  
ТДШИ, иқтисод фанлари номзоди

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция фаоллиги таҳлил қилинган, инвестицияларнинг ҳудудлар рақобатбардошлигига таъсири асосланган, Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ҳудудий хусусиятлари очиқ берилган, ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** ҳудуд, ҳудудлараро тафовут, ҳудудлар рақобатбардошлиги, инвестиция, инвестиция салоҳияти, аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар, саноат зоналари, эркин иқтисодий зоналар, диверсификация, хорижий инвестициялар.

**Аннотация.** В статье проанализирована инвестиционная активность регионов Узбекистана, обосновано влияние инвестиций на конкурентоспособность регионов, выявлены территориальные особенности инвестиционной деятельности в Узбекистане, показаны пути эффективного использования инвестиционного потенциала регионов.

**Ключевые слова:** территория, территориальное различие, конкурентоспособность регионов, инвестиции, инвестиционный потенциал, инвестиции на душу населения, промышленные зоны, свободные экономические зоны, диверсификация, иностранные инвестиции.

**Annotation.** The article analyzes the investment activity of the regions of Uzbekistan, substantiates the impact of investments on the competitiveness of the regions, reveals the territorial features of investment activity in Uzbekistan, shows how to effectively use the investment potential of the regions.

**Keywords:** territory, territorial difference, competitiveness of regions, investments, investment potential, investments per capita, industrial zones, free economic zones, diversification, foreign investments.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар муваффақияти кўп жихатдан мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор ривожланишига, табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишига, миллий ва халқаро рақобатбардошлик даражасига боғлиқ. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “ҳудудлар, туман ва

шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”<sup>1</sup> масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Иқтисодиёт тармоқларида инновация жараёнлари кенг жорий этилаётган, ягона ахборот маконининг шаклланишига олиб келувчи ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимлари кенг тарқалаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакллари ривожланаётган ҳозирги шароитда мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Инвестиция фаолиятининг узлуксиз ва самарали ривожланиши миллий иқтисодиёт барқарор фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир. Айни вақтда инвестициялардан фойдаланиш миқёси, таркиби ва самарадорлиги кўп жиҳатдан миллий хўжалик ва унинг ҳудудлари ҳолати, истиқболи ва рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Шу сабабли Ўзбекистонда фаол инвестиция сиёсатини юритиш асосида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йилни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши ва бу борада давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам инвестициялар жалб этиш масаласининг қанчалик муҳим эканлигидан далолат беради<sup>2</sup>.

Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига миллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон Фармони. //“Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони. // <http://lex.uz/docs/4168749>


солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида 2018 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш мақсадида 2019 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Амалга оширилаётган ташкилий, меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар натижасида 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 107333,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 13,3 млрд. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.96.



**1-расм. Ўзбекистонда 2010-2018 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг қўшимча ўсиш суръатлари, %**

Манба: stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида тузилган

Асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикасини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, 2010-2018 йилларда инвестицияларнинг қўшимча ўсиш суръатлари турли суръатларда ўзгарган: агар 2010 йилга нисбатан 2012 йилда инвестицияларнинг қўшимча ўсиш суръати 4,3 фоиздан 12,7 фоизгача ўсган бўлса, 2012 йилдан бошлаб 2017 йилгача бу кўрсаткич муттасил пасайиб борди ва 2017 йилда 7,1 фоизни ташкил этди. 2018 йилда сўнгги йиллардаги энг юқори кўрсаткич – 18,1 фоиз қайд этилганини таъкидлаш лозим. Бундай ўзгаришлар натижасида асосий капиталга инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,3 фоизни ташкил этиб, 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 3,7 фоиз нуқтасига кўпайди.

Юқоридаги ижобий тенденцияларга қарамасдан Ўзбекистонда шаклланган инвестиция муҳити инвестицияларни реал иқтисодиётга жалб этиш учун етарли даражада қулай эмас, инвестиция ресурслари ҳудудлар орасида нотекис тақсимланган ҳамда асосан Тошкент шаҳри ва табиий ресурсларга бой ҳудудларда концентрациялашган.

**Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг ҳудудий таркиби динамикаси, %**

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариши, “+”, “-”
Қорақалпоғистон Республикаси	4,8	4,7	3,0	14,2	7,5	3,7	5,6	0,8
Андижон	4,9	4,1	3,6	4,0	4,0	3,7	3,8	-1,1
Бухоро	4,3	8,2	13,5	9,3	11,6	18,1	7,3	3,0
Жиззах	2,3	2,4	2,3	2,6	2,5	2,4	2,9	0,6
Қашқадарё	16,7	14,4	11,0	13,4	14,2	16,8	14,3	-2,4
Навоий	6,2	7,2	11,1	4,0	5,7	4,6	9,4	3,2
Наманган	5,6	3,4	3,5	4,7	5,2	5,0	6,6	1,0
Самарқанд	5,7	6,4	6,1	6,8	6,7	5,4	5,3	-0,4
Сурхондарё	3,7	5,4	3,7	3,9	4,0	4,9	5,7	2,0
Сирдарё	2,3	1,7	2,5	2,4	2,5	2,2	2,0	-0,3
Тошкент	8,1	10,7	9,8	9,7	7,9	7,1	8,7	0,6
Фарғона	7,0	5,1	5,5	5,1	4,8	3,9	4,6	-2,4
Хоразм	3,5	2,0	2,3	3,2	2,9	2,8	2,8	-0,7
Тошкент шаҳри	24,5	23,4	21,6	16,4	20,5	19,0	20,4	-4,1

Манба: stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, 2000 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 68,2 фоизи энг юқори улушга эга бўлган олти та ҳудуд (Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона, Навоий ва Самарқанд вилоятлари) ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилда энг юқори кўрсаткичга эга 6 та ҳудуд (Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятлари)нинг улуши 66,7 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2018 йилда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 20,4 фоизи Тошкент шаҳри, 14,3 фоизи Қашқадарё, 9,4 фоизи Навоий, 8,7 фоизи Тошкент, 7,3 фоизи Бухоро ва 6,6 фоизи Наманган вилоятларида ўзлаштирилди. Қолган ҳудудларнинг жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши сезиларли даражада паст.

Таъкидлаш лозимки, 2018 йилда қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Навоий вилоятида 2017 йилга нисбатан асосий капиталга инвестициялар 84,6 фоизга, Наманган вилоятида 71,2 фоизга, Қорақалпоғистон Республикасида 162,2 фоизга, Жиззах вилоятида 55,9 фоизга, Сурхондарё вилоятида 49,5 фоизга, Фарғона вилоятида 46,6 фоизга, Тошкент вилоятида 23,7 фоизга, Хоразм вилоятида 22,8 фоизга ва Тошкент шаҳрида 14,7 фоизга ўсди. Ушбу ижобий ўзгаришларга қарамасдан аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар

ҳажми бўйича ҳам ҳудудлараро тафовут анча катта ва у ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон ҳудудларида аҳоли жон бошига асосий капиталга  
инвестициялар**

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	30,2	121,0	543,4	1331,4	1509,8	2112,6	3256,9
Қорақалпоғистон Республикаси	23,7	95,0	279,5	3334,5	2041,2	1438,6	3257,7
Андижон	16,7	55,3	214,8	575,9	641,3	818,0	1334,5
Бухоро	21,8	171,9	1273,5	2147,4	3123,9	6123,3	4162,9
Жиззах	17,7	73,7	319,5	871,7	960,8	1205,5	2367,6
Қашқадарё	56,7	190,3	639,7	1868,3	2289,3	3479,7	4816,6
Навоий	58,6	282,3	1987,6	1830,7	3039,5	4041,4	10411,0
Наманган	21,6	51,7	237,1	762,5	976,7	1217,0	2615,8
Самарқанд	15,8	70,5	296,8	804,1	892,6	1063,0	1528,7
Сурхондарё	15,8	89,4	271,9	684,9	794,1	1318,2	2404,2
Сирдарё	26,5	80,8	532,3	1276,1	1551,8	1878,2	2618,6
Тошкент	25,6	137,2	581,4	1460,9	1373,9	1962,6	3247,1
Фарғона	19,5	56,8	273,8	613,8	635,7	733,0	1363,3
Хоразм	19,3	43,8	227,0	776,0	780,7	1089,2	1637,2
Тошкент шаҳри	85,4	346,9	1472,4	2877,4	3848,1	5546,4	8787,5

Манба: <https://stat.uz/uz/statinfo/investitsiyalar-va-qurilish/statistik-jadvallar-invest/191-ofytsyalnaia-statystyka-uz/investitsii-i-stroitel-stvo-uz/2341-aholi-jon-boshiga-nisbatan-asosiy-kapitalga-kiritilgan-investitsiyalar-ming-so-mda> ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.98 маълумотлари асосида тузилган.

Агар 2000 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар бўйича энг катта (Тошкент шаҳри) ва энг кичик (Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари) кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат 5,4 мартани ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич (Навоий ва Андижон вилоятлари кўрсаткичлари ўртасидаги нисбат) 7,8 мартагача ошди.

Айни вақтда 2000 йилда аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми бўйича 3 та ҳудуд республика ўртача кўрсаткичидан юқори кўрсаткич қайд этган бўлса, 2018 йилга келиб бундай ҳудудлар сони 5 тага етди. Шунга қарамасдан, ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига инвестициялар ҳажми бир-биридан юқори тафовутда эканлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳар бир ҳудудда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, уларнинг рақобатбардошлик даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистонда 31350,0 млрд. сўм (доллар эквивалентида 3,9 млрд. АҚШ долл.) ёки 2017 йилга

нисбатан 36,6 фоиз кўп асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 29,2 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Қашқадарё (26,6 фоиз), Бухоро (13,4 фоиз), Навоий (11,7 фоиз) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (12 фоиз) кузатилди.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида 2018 йилда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда**

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, % да	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига нисбатан	асосий капиталга инвестицияларга нисбатан
Ўзбекистон Республикаси	31350,0	18264,9	100,0	29,2
Қорақалпоғистон Республикаси	1512,1	1067,8	4,8	25,0
Андижон	878,6	299,2	2,8	21,7
Бухоро	4189,9	344,6	13,4	53,4
Жиззах	392,3	74,7	1,3	12,4
Қашқадарё	8339,2	6835,5	26,6	54,4
Навоий	3662,1	3571,8	11,7	36,4
Наманган	2822,6	2369,0	9,0	39,6
Самарқанд	384,1	147,6	1,2	6,7
Сурхондарё	1788,8	1059,9	5,7	29,3
Сирдарё	261,1	120,8	0,8	12,1
Тошкент	1760,1	509,6	5,6	18,8
Фарғона	1250,3	219,3	4,0	25,1
Хоразм	355,5	202,9	1,1	11,9
Тошкент ш.	3753,3	1442,2	12,0	17,2

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.113.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 63,7 фоизи тўртта ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. Қолган барча ҳудудларнинг улуши 32,3 фоизни ташкил этади, холос. Хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда бундай ҳудудий тафовутларнинг шаклланиши энг аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ. Шу билан бирга хорижий инвесторлар ўз маблағларини юқори даромад келтирадиган ва таваккалчилик даражаси паст соҳаларга сарфлашни афзал биладилар. Хорижий инвестициялар учун энг юқори фойда меъёри ва қопланиш муддатининг қисқалиги тоғ-кон саноати, шу жумладан, хом нефт ва табиий газ қазиб чиқаришда қайд этилмоқда.

Бу соҳада Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари алоҳида ўрин тутиб, улар мамлакатимиз ёқилғи-энергетика манбаларининг муҳим базаси ҳисобланади. Хусусан, 2018 йилда тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб

чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплексининг қурилиши, Ҳисор инвестиция блоки ҳудудида углеводород қазиб чиқаришни йўлга қўйиш каби лойиҳалар Қашқадарё вилоятида инвестициялар ҳажмининг юқори бўлишига олиб келди. Айни вақтда Бухоро вилоятида Кандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишловчи заводнинг қурилиши, Хаузақ ва Шади конларини ишлаб чиқаришга тайёрлаш, шунингдек Қувачи-Олот конларини кенгайтириш, Хўжасаёт участкасидаги Денгизқўл газ-конденсати кони, Хўжадават газ-конденсати кони ва Шарқий Олот газ-конденсати конини қайта жиҳозлаш каби лойиҳалар ушбу вилоятда инвестициялар ҳажмининг юқори бўлишини таъминлади.

Албатта, бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқариш турларининг ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга бу ҳолат бугунги кунда мамлакатимиз ва унинг ҳудудлари иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар тармоқ таркибининг бир томонлама характерга эга бўлишига олиб келмоқда. Бу эса бугунги кунда жалб этилаётган хорижий инвестициялар таркибини такомиллаштириш бўйича жиддий чора-тадбирлар амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Айниқса, хорижий инвестициялар жалб этишда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган саноатнинг қайта ишлаш тармоқларига алоҳида устуворликлар бериш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий, иқтисодий, экологик ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи, кенгайтирилган ишлаб чиқариш ва мамлакат аҳолисининг ҳаёт шароитлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берувчи (энергетика, инфратузилма объектлари, транспорт, сув билан таъминлаш, коммуникациялар ва бошқалар), тадбиркорлик, айниқса, хусусий бизнес учун ташкилий-иқтисодий ва техник шароитлар барпо этувчи соҳалар республикамиз инвестиция сиёсатининг яқин келажакдаги устувор йўналишлари бўлиши лозим.

Шу билан бирга инвесторлар билан ишлашда, айниқса, жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланиши, бу борада вазирлик ва идоралар фаолиятининг аниқ мувофиқлаштирилиши ҳамда бюрократик тўсиқ ва ғовларнинг бартараф этилиши қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли фармони. // <http://lex.uz/docs/4168749>
3. Синякова А.Ф. Прямые иностранные инвестиции как фактор конкурентоспособности России /А.Ф. Синякова. - LAP Lambert Academic Publishing, 2015 - 232 с.
4. stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти
5. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – 333 б.